# К А Р О Р

2003 йил август ойи 14 кунида Фаргона шахар жиноят ишлари буйича суди уз биносида очик суд мажлисида раислик килувчи судья З.А.Умурзаков Д.Хайдарованинг котиблигида Узбекистон Республикаси ЖЖТК-нинг 201-моддаси билан М.И.Тожибоевага нисбатан №1-61/03 сонли маъмурий ишни куриди.

ТАДЖИБАЕВА МУЪТАБАР ИБРАГИМОВНА, 25.08.1962 йил Маргилон шахрида тугилган, узбек, У.Р. фукароси, маълумоти урта-махсус, оилалик 1 нафар фарзанди бор, "Утюраклар" клуби рахбари, мукофотлар олмаган, депутат эмас, партиясиз, харбийга мажбур эмас, судланмаган, маъмурий жавобгарликка тортилмаган. Маргилон шахар, Бухро кучаси, 31 уй 31 квартирада яшайди.

Суд мажлисида гувохларни баёнотларини тинглаб иш материалларини тулик хар томонлама объектив мухокама килиб суд,-

## А Н И К Л А Д И :

27.05.2003 йил куни "Утюраклар" клуби рахбари сифатида М.Т.Тажибаева Фаргона шахар хокими номига 06.06.03 йил куни Фаргона шахар худудида 500 нафар фукаролар иштирокида намойиш утказиш учун рухсат сураб ариза билан мурожаат килади.

Фаргона шахар хокимлиги томонидан 10.05.03 йил куни намойиш утказилишини таъкикланиши хакида жавоб берилган.

Фаргона шахар худудида намойиш утказиш учун рухсат булмаганлиги сабабли М.И.Тажибаева 09.06.03 йил куни ва 10.06.03 йил куни 3-4 номаълум аёллар билан Республика бош прокурори Р.Кодиров ва Республика Олий суди раиси Б.Мухиддиновларни истеъфосини талаб килиб ёзилган кургазмалар билан Фаргона шахар, Шамсуддинова кучасида жойлашган Фаргона вилояти прокуратураси биноси олдида пикет уюштирган.

10.06.03 йил куни соат тахминан 10-лар чамасида М.И.Тажибаева вилоят прокуратураси биноси олдида пикет килаётган вактида аниклаш имконияти булмаган аёл кишилар М.Тажибаева ва Л.Лукьяновларни кулида булган кургазмаларни йиртиб ташлаб Л.Лукьяновани урб тан жарохати етказишган.

Л.Лукьяновага тан жарохати етказган номаълум шахсларни аниклаш учун топшириклар бериб Кокон ИИБ тергов кисмига ажратилган.

Фаргона шахар ИИБ ЖКП бошлиги И.Ургасев томонидан 27.06.03 йил куни М.И.Тажибаевага нисбатан 10.06.03 йил куни Фаргона шахар Шамсуддинова кучасида, куча юришлари, намойиш ва митинг утказиш тартибини бузган деб У.Р. ЖЖТК-нинг 201-моддаси билан маъмурий хукукбузарлик тугрисида баённома тузилиб, иш материаллари Фаргона шахар судига 29.07.03 йил куни юборилган.

Суд мажлисида М.Тажибаева маъмурий хукукбузарлигига икрор булмадан 06.06.03 йил куни Фаргона шахрида 500 нафар фукароларни иштирокида намойиш утказишга шахар хокимлигидан рухсат сураб ариза билан мурожаат килганлигини, лекин шахар хокимлигидан намойиш утказишга рухсат берилмаганидан сунг намойиш утказилмаганлигини 09.06.03 йил куни ва 10.06.03 йил куни Фаргона шахар Шамсуддинова кучасидаги вилоят прокуратураси биноси олдида Республика Бош прокурори Р.Кодиров ва Олий суди раиси Б.Мухиддиновани фаолиятидан норози булиб истеъфога чикишларини

талаб килиб кургазмалар билан пикет килгандигини пикетга бошка аёллар хам кушилганлигини, 10.06.03 йил куни вилоят прокуратураси олдида пикет килганида номаълум аёллар кургазмаларини йиртиб ташлаб унга ва М.Дуньяно вага тан жарохати етказилганлигини, кургазмалар билан юкоридаги талаб ларни жуда куп марохаба Республика Бош прокуратураси ва Олий суди биноси олдида пикет килиб уз фикрини билдиргандигини, бу харакатларини Республика Бош прокуратураси ва Олий суди ходимлари пикет деб бахолаб хеч кандай маъмурий иш юритилмаганлигини, айнан шу каби харакатлари учун эс Фаргона шахар ЖИБ рахбарияти асоссиз маъмурий иш юритилганлигини курсатиб утади.

Суд мажлисида гувох таринасида сураглан М.Дехконова ва Е.Исмаиловлар хакикатдан хам жуда куп маротаба Республика Бош прокуратураси ва Олий суди биноси олдида пикет уштириб катнашганликларини у ерда хам Бош прокурор ва Олий суди раисини истеъфосини талаб килганлигини, хеч кандай маъмурий иш юритилмаганлигини 09.06.03 йил куни ва 10.06.03 йил кунлари М.Таджибаева вилоят прокуратураси биноси олдида юкоридаги талаблар билан пикет уштиргандигини эшитганлигини лекин улар катнашмаганликларини курсатиб М.Таджибаевани баёнотини тулик тасдиклаб утишади.

Суд юкоридаги баёнотларни тинглаб иш материалларини текшириб М.Таджибаевани харакатларида У.Р. МЖТК-нинг 201-моддасида курсатилган маъмурий хукукбузарлик аломатлари йук деб топиб, маъмурий ишни тугатиш лозим деб топади.

Узбекистон Республикаси МЖТК-нинг 201-моддаси I-кисмида, йигилишлар, митинглар, куча юришлари ёки намойишлар уштириш, утказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик курсатилган.

М.Таджибаева расмий равишда хокимликдан намойиш утказиш учун рухсат сураб ариза билан мурожаат килган. Хокимликдан рухсат берилмаганлиги сабабли намойиш ва куча юришларини уштирмаган.

М.Таджибаева 09.06.03 йил куни ва 10.06.03 йил куни Кургазмалар /плакат/лар билан вилоят прокуратураси биноси олдида Бош прокурор ва Олий суди раисини истеъфосини талаб килиб пикет уюштирган.

Ушбу харакатларини куча юриш, намойишлар уштириш деб бахолашга асос йук.

М.И.Таджибаева Республика Бош прокуратураси ва Олий суд биносида юкоридаги талаблар билан кургазма / плакат/ лардан фойдаланиб пикетлар уюштирган, лекин унинг харакатлари У.Р. МЖТК-нинг 201-моддасидаги хукукбузарлик деб бахоланмаган.

Пикет утказиш, узининг шахсий фикрини кургазма /плакат/лар ёки бошка усулларда билдириш Узбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тугрисидаги Кодекс хамда Олий суднинг Пленуми Карорлари маъмурий хукукбузарлик деб талкин килинмаган.

Юкоридагиларга асосан У.Р. МЖТК-нинг 309-311 моддаларини куллаб с

К А Р О Р   К И Л А Д И:

Узбекистон Республикаси МЖТК-нинг 201-моддаси I-кисми билан Таджибаева Муътабар Ибрагимовнага нисбатан маъмурий иш маъмурий хукукбузарлик аломатлари йуклиги сабабли тугатилсин.

Ушбу карор мазмуни кизикувчи томонларга маълум килинсин.

Карордан норози томон шу суд оркали Фаргона вилоят ЖИБ судига 10 кун муддатида шикоят ёки протест келтиришга хаклидирлар.

Раислик килувчи: имзо.

Карор нусхаси аслига тугри деб Фаргона
шахар ЖИБ судининг судьяси:   Б.А.Умурзаков.